

# Халқ Сўзи



1991 йил 1 январдан  
чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

17 июнь, шанба, 1995 йил  
Сотувда эркин нархда. № 115 (1117)

## ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

16 июнь кuni Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилати бош директори Хироши Накажими қабул қилди.

Мамлакатимиз раҳбари меҳмонга Ўзбекистонда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар жараёни, соғлиқни сақлаш ва экология муаммоларини бартараф этиш соҳасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида сўзлаб берди. Бу борада халқаро ташкилотлар, жумладан, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилати билан ҳамкорлик қилишга алоҳида эътибор берилаётганини таъкидлади.

Хироши Накажима ўзи раҳбарлик қилаётган халқаро ташкилот Ўзбекистон билан ҳамкорликни янада кенгайтиришга тайёр эканлигини айтиб, бу борада амалга оширилажак ишлар яхши натижалар беради, дея умид билдирди.

Сўхбат чоғида ижтимоий-иқтисодий тараққиёт, Орол



СУРАТДА: қабул пайти. С. ЗУФАРОВ олган сурат.

денгизи муаммосини ҳал этиш, республикада соғлиқни сақлаш соҳаси ва доридармон ишлаб чиқариш саноатини ривожлантириш бўйича ҳамкорлик қилиш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди. Қабул маросимида Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири Ш. Каримов иштирок этди.

Қабул чоғида БМТнинг Ўзбекистондаги доимий вакили Х. Малик ва Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилатининг мамлакатимиздаги вакили Т. Хетланд ҳозир бўлди.

(Ў.А.)

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ АБДУГАНИЕВИЧ КАРИМОВГА

Муҳтарам Ислом Абдуганиевич!

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 1995 йил 8 июнда ўтказилган умумий мажлиси иштирокчилари Сизга, Ўзбекистоннинг етук олимларига катта эътибор ва самимий муносабат билдираётганингиз, ҳамда буюк фан ва маданиятнинг раванкига қўрсатаётган ёрдамингиз учун бир овоздан терең миннатдорлик изҳор этадилар.

Хусусан, республика олимларига бўлган бу эътибор Ўзбекистон Фанлар академиясининг янги аъзоларини сайлаш вақтида янада яққол намоён бўлди. Янги Низом қабул қилинганда кейинги бу сайлов барча кўп миллатли фанимиз заҳматқашлари учун ҳақиқий байрамга айланиб кетди. Умумий мажлис натижаларига кўра Ўзбекистон олимлари сафига 33 академик, 5 мухбир аъзо қўшилди. Сайланганлар орасида республикада яшовчи турли миллат вакиллари — ўзбек, рус, қорақалпоқ, уйғур ва грузинларнинг бўлиши республикада Сиз раҳбарлигингизда ўтказилган сивабатнинг эркин ифодасидир.

Бугунги сайловни Ўзбекистонимизнинг илмий жамоатчилиги ҳали узоқ вақт эслаб юради. Олимларга бу каби ҳуррмат, узаро тушуниш руҳидаги муҳит сайлов натижаларига уйғунлашиб кетди. Сизнинг тақлифингиз билан тўрт нафар кўзга кўринган олим Фанлар академияси ҳақиқий аъзолигига сайланиши умумий мажлис катнашчиларини янада тўққинлантириб юборди.

Умумий мажлис ахли Сизнинг тақлифингизни бир овоздан маъқуллади.

Биз Сизни ишонтириб айтмаймики, бу эътибордан руҳланиб, Фанлар академияси олимлари Ўзбекистон мустақиллигини янада мустаҳкамлашга ва унинг раванкига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшадилар.

Ўзбекистон Фанлар академияси умумий мажлиси иштирокчилари Сизга мустаҳкам соғлиқ, Ўзбекистонимиз ривожига, халқимиз жипслиги ва тинч-тотувлиги йўлидаги ишларингизга зафарлар тилайди.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси умумий мажлиси катнашчилари номидан академиклар:

**Ж. АБДУЛЛАЕВ, И. ИСКАНДАРОВ, И. МУСАБОВЕВ, Ё. ТЎРАҚУЛОВ, Э. ЮСУПОВ, В. ҚОБУЛОВ, П. ҲАБИБУЛЛАЕВ, И. ҲАМРОВОЕВ, Х. ҚОЗИЛОВ.**

## ЯНГИЛИКЛАР \* ФАКТЛАР \* ВОКЕЛАР



**АДИБ ЮБИЕЙИГА БАҒИШПАНДИ**

*Жиззахдаги политехника институтида ёзувчи Муто Тошмуҳаммад ўғли Ойбек таваллудининг 90 йиллигига бағишланган илмий-назарий анжуман бўлди.*

Унда адибнинг ўзбек маданияти, миллий маънавиятини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси тўғрисида маърузалар тингланди.

**УСКУНАСИ — ХОРИЖДАН**

Яқинда Навоий шаҳридаги темир йўл олди маҳалласида бир сменада 14 турда 2500 килограмм нон ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган цех ишга туширилди. Виллот дон маҳсулотларини қабул қилиш ва қайта ишлаш ҳиссасдорлик жамияти ўз ҳисобидан цех учун Олмонияда тайёрланган «Винклер» фирмаси жиҳозларини сотиб олиб берди.

СУРАТДА: сотувчи Гулшан Бўриева ва цех устаси Гулчихра Раззоқова.

**ТАЖРИБА АЛМАШИШДИ**

Мамлакатимиз тараққиётининг ҳозирги босқичида прокуратура идораларининг оиди судловда қонунийликни таъминлаш борасидаги вазифалари Андижонда бўлиб ўтган водий прокуратура ходимларининг ўқув-амалий семинари-кеңашни кун тартибидagi асосий масала бўлди.

Кенгашга тақлиф этилган Андижон, Фаргона, Наманган вилоятлари, шаҳар ва туман прокурорлари, уларнинг ёрдамчилари судларда жиноий, фуқаролик ва ҳўжалик ишлари кўрилатганда прокурор ваколатини таъминлашни ташкил этишда янги Жиноят кодекси ва Жиноят-процессуал кодексларининг аҳамияти ҳақида фикрлашдилар ва тажриба алмашдилар.

**РАСМЛАРДА ОРОЛ МУАММОСИ**

Қорақалпоғистон Расмлар уюшмаси ташаббус билан «Орол: экология, саломатлик» мавзуда расмлар кўргазмаси очилди.

Унда Омонгели Утегенов, Бозорбой Сарекетов, Бақберган Нуридметов каби ўнлаб мўйқалам усталарининг она-табиат манзараларини тасвирловчи юзга яқин сурати ўрин олган. Ваганга, табиатга муҳаббат руҳи билан сўғорилган бу асарлар томошабилларни Оролбўйи экологийсини соғломлаштиришда куч-ғайратини аямасликка даъват этади.

**ОЧИҚ САҲНАДА**

Хоразм вилоят кўнрақч театри ўқувчиларининг ёзи ташкил қилинган томошаларини очиб саҳналарда, бошлар оромгоҳларида намойиш этмоқда.

Ижодий жамоа «маданият юрчи»ни Хива шаҳридан бошлади. Бошлар «Сусанбил» эртақ-драматини зўр қизиқиш билан томоша қилмоқда.

**АБДУХАЛИП СУРНАЙЧИ**

Оқтошда Абдухалип сурнайчининг кўнчалик санъат мухлисари яхши билдилади.

У «Зарбулок» фольклор дастаси билан Афғонистон, Украина, Москвага боради, санъат шайдолари олқини сазовор бўлади.

СУРАТДА: донрада Э. Нормуродов, сурнайчи А. Умаров, Х. Холмуродов.

**БУХОРО ЯНАДА КЎРКАМПАШАДИ**

Бухорода халқаро туризм бўйича махсус очик иқтисодий минтақа ташкил этиш кўзда тутилган. Бу эса хорижий сайёҳларни Бухорога янада кўпроқ жалб этиш имкониятини беради.

Бухорода вилоят ташкилотлари раҳбарлари, шаҳардаги йирик корхоналар бошлиқлари иштирокчида ўтказилган йилгилик ана шу мавзуга бағишланди. Унда вилоят маркази кўчалари, хиёбонларини обод қилиш, кўккаламзорлаштириш, бундан қанча ёдгорликларни таъмирлаш борасида каттагина иш бажарилгани қайд этилди, галдаги вазифалар белгилаб олинди. Бу ҳайрли ишда шаҳардаги йирик саноат корхоналари ҳам ўз малағи билан ёрдам бериши зарурлиги таъкидланди.

## Ўзбекистонга расмий ташрифи муносабати билан

### УКРАИНА ПРЕЗИДЕНТИ ЛЕОНИД ДАНИЛОВИЧ КУЧМА

1938 йил 9 августда Чернигов вилоятининг Чайкино қишлоғида туғилган.

1960 йилда — Днепропетровск Давлат университетини тугатган. Техника фанлари номзоди илмий даражасига эга.

1960—1975 йилларда — «Южное» (Днепропетровск шаҳри) конструкторлик бюросида муҳандис, катта муҳандис, етакчи конструктор, бош конструктор ёрдамчиси, Бойқўнғирда (Қозғистон) техник раҳбар.

1975—1982 йилларда — «Южное» конструкторлик бюросида партия ташкилотчи котиби.

1982—1986 йилларда — «Южное» конструкторлик



бюросида бош конструкторнинг биринчи ўринбосари. 1986—1992 йилларда — «Жанубий машинасозлик заводи» (Днепропетровск шаҳри) ракета-созлик концернининг бош директори.

1992—1993 йилларда — Украина Бош вазири.

1993 йилдан бошлаб — Украина саноатчилар ва ишбилармонлар уюшмаси президенти.

1994 йил июлда Украина Президенти этиб сайланган. Леонид Данилович Кучма — Ленин мукофоти, Украина давлат мукофоти совриндори, Днепропетровск университети профессори, Украина муҳандислик академияси академиги.

Уиланган, бир қизи бор.

**Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги матбуот шўбаси.**

## Дўстлигимиз азалий ва абадийдир

Шу йилнинг 20—21 июнь кунлари Украина Президенти Леонид Кучма давлат ташрифи билан Ўзбекистонга келди. Ўзбекистон ва Украина муносабатларидаги ушбу муҳим сиёсий воқеа арафасида мухбиримиз Украинанинг мамлакатимиздаги Фахруллода ва Мухтор заҳис Владимир Сметанинча бир неча савоаллар билан мувожабат қилди.

— Жаноб элчи, мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар ривожини қандай баҳолайсиз?

— Бизнинг дўстлигимиз катта тарихга эга. Мамлакатларимиз истиқлолга эришгач, алоқаларимиз янада жонланди. Маълумки, 1991 йилнинг октябрида Тошкентда давлатларaro дўстлик ва ҳамкорлик асослари ҳақидаги битим имзоланган эди. Шунингдек, ўша вақтда Ўзбекистон ва Украина Ташқи ишлар вазирликлари ўртасида маслаҳатлашувлар ҳақида протоколлар ҳам имзоланган. Бу ҳужжатлар Ўзбекистон ва Украина дипломатия муносабатларини ўрнатилга муҳим босқич бўлди. Айниқса, Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг 1994 йилдаги Украинага ташрифи икки мамлакат ўртасидаги амалий муносабатлар ривожига муҳим роль уйнади. Ушбу ташриф чоғида имзоланган ҳужжатлар икки давлат ўртасида иқтисодий ва техник ҳамкорлик ривожига ҳамда қўшма корхоналар ташкил қилиш учун хизмат қилмоқда. Бу эса мамлакатларимиз ўртасидаги савдо, иқтисодий алоқаларни кенгайтиришга асос бўлмоқда.

Шуниси эътиборлики, 1994 йили узаро товар айирбошлаш ҳажми 86,3 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Икки мамлакат ўртасида 80 турдан ортиқ маҳсулот узаро айирбошланди. Украинадан, асосан, 16,4 миллион АҚШ долларини ҳамда шак, 134 миң АҚШ долларини ҳамда этил спирти, қора металл ва металл прокати олиб келинган бўлса, Ўзбекистондан эса



пахта толеси ва техника мойи экспорт қилинди.

1995 йилдаги узаро савдо-иқтисодий шартномага кўра, Украинадан Ўзбекистонга қарийб 130 миллион АҚШ долларини ҳамда товар олиб келиниши ва ўз навбатида шунча миқдорда мамлакатингиздан товар экспорт қилиниши кўзда тутилмоқда. Кўнчалеси шундаки, шу йилнинг биринчи чоғида Ўзбекистон Украинадан 10,2 миллион АҚШ долларини ҳамда маҳсулот олиб, 12,2 миллион АҚШ долларини ҳамда товар экспорт қилди.

Бундан ташқари, мамлакатингиздаги бир неча вилоятлар билан Украина ўртасида узаро ҳамкорлик алоқалари ўрнатилган. Ҳозирги кунда ҳам Суми ва Чирчик шаҳарлари ўртасида доимий ҳамкорлик муваффақият билан даром этаётганини ҳаммага аён.

— Халқларимиз ўртасидаги маданий алоқалар ҳақида нималар дея оласиз?

— Шақ-шубҳа йўқки, Шарқ маданиятининг шаклланишида

Ўзбекистоннинг алоҳида ўрни бор. Шу юрда туғилб, умум-башарият тараққиётига муносиб ҳисса қўшган ўзбек алломаларини украин халқи яхши билди. Чунки халқларимиз ўртасидаги дўстлик ришталари буюк ипак йўли давридаёқ болган эди. Мана 200 йилдирки, Марказий Осиё минтақасида украинликлар ҳам яшаб келмоқда.

Тарихдан маълумки, иккинчи жаҳон уруши даврида Украинадан Ўзбекистонга кўчирилган минглаб украинлик ўзбек диёрдан паноҳ топишди. Улар орасида ёзувчилар, шоирлар, фан ва маданият вакиллари ҳам бўлиб, ўзбек биродарлари билан ҳамкорликка эмин-эркин ижод қилдилар.

Айни пайтда Ўзбекистонда 300 миңдан зиёд украин истиқомат қилди. Салкам бир йилдан буён Тошкентда Украина маданият маркази ишлаб турибди. Марказда ўзбеклар украинча тарихи, маданияти ва урф-одатлари билан танишиши мумкин. Ўз навбатида Украинада ҳам Ўзбекистон миллий маданият маркази ташкил қилинган. Унда Украинаданги ўн миңлаб ватандошларнинг Ўзбекистонда бўлаётган ўзгаришлар, олиб борилаётган ислохотлардан хабардор бўлиб турадилар. Қўсқаси, маданият алоқаларининг янада калом топишида бу марказларнинг қўшаётган ҳиссаси катта бўлмоқда.

Шу жумладан, Украина Президенти Леонид Кучманнинг Ўзбекистонга ташрифи гўт самарали бўлиши кўнчалеси. Негатки, икки мамлакат манфаати учун фойдали бўлган узаро савдо, иқтисодий, маданият, маориф, туризм ва бошқа соҳаларда ҳужжатлар имзоланиши кўзда тутилмоқда. Ушбу ташриф икки дўст мамлакат муносабатлари тарихида янада янги имкониятларини очиб бериши шубҳасиз.

«Халқ сўзи» мухбири Фурқат САНАЕВ сўзлашди.

## ХАЛҚ СОҒЛИГИ ПОСБОНЛАРИ БАЙРАМИ

16 июнь кунини пойтахтдаги Халқлар дўстлиги саройида мамлакатимиз тиббиёт ходимларининг касб байрамига бағишланган тантанали йилгилик бўлди.

Президентнинг Давлат маслаҳатчиси А. Азизжўяев йилгиликларни юртбошимиз номидан байрам билан табриклаб, тиббиёт ходимлари эл соғлиғини сақлаш ҳамда соғлом авлодни тарбиялаш, оналар ва болаларни муҳофаза этишга муносиб ҳисса қўшаётганини таъкидлади. У тиббий олимлар қўлга киритилган ютуқлар ҳақида тўхталиб экан, республикаимиз мустақилликка эришгач, Ўзбекистон Фанлар академиясида тиббиёт бўлими ташкил этилгани, академияда тиббий олимлар салмоқли ўринини эгаллаётганини айтди.

Соғлиқни сақлаш вазири Ш. Каримов соҳанинг бир гуруҳ ходимларига «Соғлиқни сақлаш атлосини» нишонини ва фахрий ёрдаклар топишди.

Республика санъат усталари ва бадиний ҳаваскорлари байрам қатнашчиларини хушнуд этди.

(Ў.А.)

## ТАПАБ КАТТА

Наманган вилоятининг Янгиқўрғон туманида навбатдаги кимовиди савдоси бўлди. Гарчи савдога қўйилган барча маъзин, уй-жой-бадалия объеклари ўз харидорини топган бўлса-да, одамдағайиди, бу ел ҳам якка уй қуриш учун мўлжалланган ер участкаларига талаб катта бўлди. Харидорлар 25 та ана шундай участкани сотиб олишди.

(Ў.А.)

## Қишлоқда ислохот Сони юздан ошди, аммо...

Фориш туманидаги кичик корхоналар сони юздан ошиб кетди. Уларда тайёрланаётган маҳсулотларнинг сифати жаҳон андозаларига мос келмаса-да, ҳар қайла маҳаллий аҳолининг қорига яраб турибди.

Биргина «Уста» кичик корхонасида тайёрланаётган темир буюмлар — эшик, дарвоза, электрод каби 30 дан ошқ турли маҳсулотларнинг бозори чакқон. Бундан буюртмачилар ҳам жуда хурсанд. Ёки «Ишонч» жамоа корхонаси етказиб бераётган кийим-кечаклар сифатлилиги билан донг таратаётган бўлса, «Чулонарлоп» пустилар тикиш бўйича «Сюдаг»нинг долурти овоза бўлиб кетди. «Дурадгор» кичик корхонасининг эса бежирим бешик, сандиқ, хонтахта каби турли ётоқ буюмлари хонадонлар безагига айлиниб қолган...

Бирок тумандаги кичик корхоналарнинг ҳаммаси ҳам шундай тахенга лойиқ эмас. Шулардан атинги қирқтағинга ўз ишнини яхши йўлга қўя олган, ҳоло. Қолганлари эса ҳамон улда-жулда иш қўриб, хомашё етишмаслигини тўғайли фаолиятини қисқартириб қўйган. Масалан, кийим-кечак тайёрлашни ўз олдига мақсад қўлган «Қорақул» кичик корхонаси мутахассислари хомашё топилмағликларида цехлар фаолиятини икки ойдан бери тўхтатиб қўйишган.

Ўқтам ДУСТЕР, «Халқ сўзи» мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида Қорақалпоғистон Республикасининг Тахитов шаҳрида руй берган пенсия тўғрисидаги қонуни бузиш каби ҳолларни бартараф этиш ҳамда аҳолига берилган тўловларни ўз вақтида амалга ошириш чора-тадбирларни бағишланган йилгилик бўлди.

Йилгиликта республика тижорат банклари ва «Умарказбанк»нинг вилоят бошқармалари раҳбарлари тақлиф этилди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг раиси Файзулла Муллажонов ва йилгилик қатнашчилари Тахитов

## ҚАТЪИЙ ЧОРАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

тош шаҳрида пенсияларни гайриқонуний тарзда беришга уриниш ҳодисасига принципал бажо берилди. Нотўқиб банклар томонидан бузилайди операциялар ўтказиш Марказий банкнинг тегишли норматив ҳужжатларига эид эканини таъкидландилар.

— Шу йилнинг уттан беш ойи давомида Қорақалпоғистон Республикасида эмиссия пули белгиланган ортиқ берилган ҳамда қарамасдан, бу ерда кечтирилган иш ҳақи ва бошқа тўловлар миқдори кўпайиб бор-


моқда, — деди Ф. Муллажонов. — Нақд пул тушумлари режалари муттасил равишда бажарилмаган, савдо ва пулни хизмат шохобчалари ривожланмаган, аҳоли пулларини банклардаги жамғармаларга жалб қилиш йўлга қўйилмаган.

Мажлисида кўрилган масалалар юзасидан қарор қабул қилинди. Унда жойларда банклар томонидан операцияларнинг қонунийлигини таъминлаш, пенсия, иш ҳақи ва бошқа тўловларни ўз вақтида аҳолига етказиш, банк муассасалари раҳбар-

лари тарихини мустаҳкамлаш ва нақд пул муомаласини барқарорлаштириш чоралари белгиланди ҳамда тартибузорликларга йўл қўйилган раҳбарлар ўз вазифаларидан четлатилгани маълум қилинди.

Йилгиликта Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитаси раиси Абдурауф Аҳмадов нутқ сўзлади.

**Й. ТОЖИБОВЕВ,** «Умарказбанк» матбуот хизмати раҳбари.





# КАЙТА ТИКЛАНАЁТГАН КАДРИЯТЛАР

**«Биз яхши биламизки, Ватанимизнинг мустақиллигини мустақкамлашда, ёшларимизни миллий гуруҳ, миллий ифтихор руҳида тарбиялашда, ҳар кунлик таъшиларимизда фахрийларимиз биз учун энг ишончли таянч ва суянчидир».**

**И. А. КАРИМОВ**

Республикаимиз Президентги Ислам Каримовнинг фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 50 йиллиги тантаналарида сўзлаган нутқда юртимиз фахрийларига берилган бу юксак баҳо ва билдирилган ишонч жумҳуриятимиздаги икки миллионли уруш ва меҳнат фахрийлари қалбидан чуқур ўрин олди. Бу юксак баҳо шунчаки байрам муносабати билан кўнгил кўтариш учунгина эмас, балки бу сўзлар байрамга тайёргарлик кўриш бошланишидан анча олдин ўз амалий ифодасини топа бошлаган эди.

Жумладан, 1994 йил 16 мартдаги «1941-1945 йиллардаги урушда фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 50 йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги Фармон фикримиз далилидир. Унга мувофиқ 9 май — умумхалқ байрами деб эълон қилинди. Ғалабанинг 50 йиллигини муносабати билан мақсадлида махсус кўмита тузилди. Шунингдек, урушда шаҳид бўлган 400 минг кишининг, шу жумладан, фронт жаҳўлларида бедарак йўқолган 84 минг кишининг номлари зикр этилган 33 жилдлик «Хотира китоби»ни чоп этиш учун маблаг ажратилди, тегишли шароитлари яратиб берилди.

1994 йил 6 майдаги Фармонга мувофиқ, уруш фидойилари ва ўша даврда меҳнат қилган кишилар «Жасорат» ва «Шухрат» медаллари билан мукофотландилар. Республикаимизда яшаётган 108 минг 281 ёрзий, урушда ҳалок бўлган кишининг 20 минг 676 оилалари, уруш даврида меҳнат қилган 171 минг 370 фуқаронинг ҳар бирига моддий ва маънавий ёрдамлар берилди, турли имтиёзлар муҳайё қилинди.

Ўзбекистон Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Ҳ. Жўрабеков бошчилигидаги юбилей кўмитаси кўпгина муҳим тадбирларни амалга оширди. Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳрида, туманларнинг марказларида, маҳалла гузарларида шахидларнинг хотирасини абадийлаштиришга қаратилган қатор ёдгорликлар очилди, борлари обод қилинди, фахрийлар боғлари, хиебонлари барпо этилди. Чунинчи, Фарғонанинг Қувасой шаҳрида

Ғалаба байрами арафасида республика Фахрийлар ташкилотлари уюшмаси Кенгаши «Эко-сан» халқаро ташкилоти билан ҳамкорликда табиатни муҳофаза қилиш ва юртимизни ободонлаштиришга ҳисса қўшиш мақсадида махсус фахрийлар гуруҳи шўбаси ташкил этилди. Ҳар уч ташкилотнинг кенгайтирилган иш режалари тузилиб, республика газеталарида эълон қилинди, радио ва телевидение орқали ўқиб эшиттирилди. Мазкур режа-мурожаатнома уюшмаси Кенгашида муҳокама этилиб, қарори жойлардаги фахрийлар ташкилотлари кенгашларига ижро этиш учун жўнатилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Уруш қатнашчилари, фронт ортида меҳнат қилганлар ҳамда урушда шаҳид бўлганларнинг оилаларига моддий ёрдам кўрсатиш ҳақида»ги (1994 йил 22 июль) қарори бу фидойи инсонлар ҳақида қилинаётган гамхўрликларнинг яна бир ифодасидир.

Биз, уруш ва меҳнат фахрийлари Ғалабанинг 50 йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнида республика ёзувчи ва шоирлари, журналистлар бажарган катта ишлардан мамнунмиз. Улар республика ҳукумати қарорлари, Президент Фармонларида белгиланган вазифаларни шараф билан бажардилар. Республикада чиқадиган барча газета ва журналлар, телевидение ва радио, Ўзбекистон Миллий Ахборот агентлиги, Ўзбекифилм, Телефилм ва Рассомлар уюшмаси ҳодимлари бу хайрли вазифани бажон дил адо этидилар.

33 жилдан иборат «Хотира китоби»ни чикаришда республика Матбуот давлат кўмитаси, Коммунар тахририяти ва матбаачилар қилган фидокорона меҳнат оммонини таҳсинида сазовор. Чунки бу китоблар урушда шаҳид бўлганларнинг оилаларига, давлат идораларига, вазирликлар, касоба уюшмалари, жамоат ташкилотлари, олий ўқув юртлири, кутуб-

хоналарга, шу жумладан, Москва, Ленинград, Сталинград, Киев, Минск шаҳарлари музей ва кутубхоналарига юборилди.

Эллик йилликка тайёргарлик ишидан илм-фан намояндалари, ташкилотлари ҳам четда турмадилар. Республика Фанлар академияси шу мавзуга бағишлаб илмий-амалий конференция ўтказди. Анжуманда бир қатор илмий маърузалар қатори республика Фахрийлар ташкилотлари уюшмаси Кенгашининг иккинчи жаҳон урушида ўзбекистонликларнинг кўрсатган жасорат ва фидойиликларига оид маърузаси ҳам тингланиб, ҳужжатлари махсус китобча шаклида нашр этилди. Шунингдек Олий ва ўрта махсус таълим даргоҳларида ҳам илмий-амалий анжуманлар бўлиб ўтганини таъкидлаш лозимдир.

Жумҳуриятимизнинг бир гуруҳ уруш фахрийлари 9 май кунини Москвадаги Қизил майдонда бўлган Ҳарбий парадга қатнашди. Москвага юборилганлар орасида 1945 йил Ғалаба парадига қатнашганлар, фашистлар байроғини Кремль остонасига ташлаганлар ва уруш орти меҳнат фидойилари бор эди.

Республикаимиз фахрийлари Ғалаба байрами муносабати билан Мустақиллик майдонида ўтказилган ҳарбий парад, «Туркистон» қошонасидаги тантанали йиғилишда, бошқа қатор маросимларда фаол қатнашганликлариди, билдирилган иззат-икром қалбимизни тодек кўтарди. Мустақил демократик давлатимизнинг одил сиёсати бу иззат-икромлар, қадриятларнинг бош омили эканлигига яна бир бор имон келтирдик.

Биз, республика Фахрийлар ташкилотлари уюшмасининг бир гуруҳ фаоллари Ғалаба байрами арафасида Фарғона водийси вилоятларида бўлиб, 50 йилликка қўрилаётган тадбирлар қандай бажарилаётгани билан яқиндан танишиб қайтдик. Натижа таъминланди, бозорларни махсулотга сероб қилиш ишига салмоқли ҳисса қўшилди.

Буларнинг ҳаммаси ўлкаимизда мустақилликка эришганимиз, адолатли демократик давлат қуриш йўлидан тўғри ва қомил ишонч билан бораётганимиз, юртбошимиз ва у киши раҳнамолик қилаётган ҳукуматнинг инсонпарвар сиёсати натижаси, ўзбек халқининг асрий орзумидлари ушалиб, кексаларни ҳурмат қилишдек қадимий қадриятларимиз тикланаётганини шарофатидан, деб биламиз.

Кези келганда шунини айтиб ўтмоқ жоизки, ҳаёт аччиқ-чучтини кўп тотиган, уруш даҳшатлари ва очарчилик, қаҳатчилик даврларини, тоталитар зулмкор тузум азобларини кўрган, қагагонларни бошидан кечирган биз учун энг юксак мукофот — бу бир калима ширин сўз, меҳр ва шафқатдир. Ҳаёт юрган фахрийларни иззат-ҳурмат қилиш, вафот этганларнинг хотирасини ёдга олиб туриш жуда катта савоб.

Шу ўринда юртбошимизнинг 50 йиллик тантаналарида айтган ушбу калималарини ёдга олиш жоиздир: «Яна бир фикрнинг қатъий таъкидлаш лозимки, уруш майдонларида қурбон бўлганларни, ҳаётдан кўз юмганларни — илоҳим, уларнинг арвоҳлари шод бўлсин — ҳаёт тургунча эслаймиз, уларнинг мўътабар хотираси олдида бош эгамиз».

Эллик йилликка тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш даврида жумҳуриятимизда амалга оширилган тадбирлар ва қилинган хайрли ишлар юз минглаб уруш қурбонлари, руҳини шод этди, голий бўлиб қайтганлар, уруш азобини тортганларнинг дуоси мустажа бўлмай, иншооллоҳ.

Президентимиз республика Олий Мажлисининг иккинчи сессиясида таъкидланганликдек, фахрийлар тўғрисида гамхўрлик қилиш, уларга меҳр-шафқат кўрсатиш фақат байрам кунларидагина эмас, балки ҳамма вақт бўлиши, улар ҳақида оғиздагина эмас, балки амалда гамхўрлик қилиш кераклиги ҳақидаги таъкидлари биз учун ҳамшиалик дастур бўлиб қолмоғи керак. Бинобарин, кекса авлодга қилинган гамхўрлик ва муруват давлатнинг адолатпарварлиги, инсонпарварлиги, халқимизнинг қадриятпарварлиги белгисидир.

Б. РАҲИМОВ, Ўзбекистон Республикаси Фахрийлар уюшмаси Кенгашининг раиси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутаты.

Президентимиз республика Олий Мажлисининг иккинчи сессиясида таъкидланганликдек, фахрийлар тўғрисида гамхўрлик қилиш, уларга меҳр-шафқат кўрсатиш фақат байрам кунларидагина эмас, балки ҳамма вақт бўлиши, улар ҳақида оғиздагина эмас, балки амалда гамхўрлик қилиш кераклиги ҳақидаги таъкидлари биз учун ҳамшиалик дастур бўлиб қолмоғи керак. Бинобарин, кекса авлодга қилинган гамхўрлик ва муруват давлатнинг адолатпарварлиги, инсонпарварлиги, халқимизнинг қадриятпарварлиги белгисидир.

## ЧИННИДАН ЯСАДИ



Қосим Мирзараҳимов тақдир тақозоси билан ёшлигидан бир умрлик тўшаққа михлаиб қолган бўлса-да, ҳаётга, яшашга бўлган чексиз муҳаббатини туфайли ўз бахтини топган инсонлардан. Эндилда у кишининг бир қўли билан ясаган хайкаллари нафақат юртимизнинг, балки Англия, Туркия, Франция каби кўпгина хорижий мамлакатлар музейларидан ҳам ўрин олган. Яқинда Қосим ака Туркия Бош вазир Т. Чиллернинг қийфасини чиннидан ясади ва бунинг учун Туркия элчихонасининг раҳматномасини олди.

СУРАТДА: Қ. Мирзараҳимов иш устида. Ш. ИБРОҲИМОВ суратга олган.

## Ислоҳот — амалда

### САМАРА СЕЗИЛАЯПТИ

Ургач шаҳрида ҳуеусийлаштирилмаган уй-жойлар қолмади ҳисоб. Аммо уларни тасарруф этиб келган трест ҳамон фаолият кўрсатаётти. Собақ «қоммуналка»ларнинг билор ортасталигини таъминлаш, кўсалмаздорлаштириш, таъмирлаш ва таъминот борасидаги талай ишлари ҳам ушбу ташкилот зиммасида.

Сирасини айтганда, трест бу ишларнинг барисини қойиллаштириб адо этаётти, дея олмаймиз. Бироқ «Изланганга имкон топилади» деганларидек, унинг фаолиятида ижобий бурилишлар яққол сезила бошлади. Мухими — йиллар мобайнида қаддини ростлаб ололмаган жаммо корхоналари (собиқ ЖЭК лар) ниҳоят оёққа турмоқда.

— Кейинги ойлар давомида бирни ўн қилиб ундириб олаётган айрим «ҳожатбарор» пудратчи ташкилотларнинг хизматидан воз кечдик, — деди трест раҳбари Абдулла Божононов. — Бу талбир туфайли маблаг ва моддий воситаларнинг 55-58 фоизи ёна қолаётти. Лекин аҳоли хонадонлари, уй-жой даҳалари ўз ҳолига ташлаб қўйилгани йўқ. Тежалган маблагнинг бир қисмига таъмирлаш, қуриш ва хизмат кўрсатиш юмушлари билан шуғулланувчи ишчи кучларини ёлладик. Трестнинг бўлиналарида эса махсус таъмирлаш, хизмат кўрсатиш гуруҳлари тузилди. Ёна қолган сармояга эса етарли микдорда моддий воситалар харид қилинаётти. Натижада уй-жойларни барвақт ва сифатли таъмирлаш, ободонлаштириш ва ортасталиш ишлари сезиларли даражада яхшиланди. Иш ҳажми эса 1,5-2 ҳисса ортиди. Мақсадимиз бу йилги қишни ҳам талафотсиз ва кўнгилсиз ҳолатларсиз ўтказиш ва энг муҳими эса хизматимиз қўлами ва сифатига нисбатан одамлар қалбиди ишонч уйғотишдир.

А. СОБИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

## Ташкилот Тошкентдаги омборидан улгуржи харид таклиф қилади!

- 1 60-75-100-150 Вт қувватга эга бўлган электр лампалар.
- 2 Айланаси (0) 25-32 см. сув ўлчангичлар.
- 3 Чет элда ишлаб чиқарилган халқ ахтиёжи моллари.

Телефонлар: 56-77-14, 56-35-51.

## «ЎЗМАРКАЗБАНК» БИЛДИРАДИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йилнинг 2 июнидаги 204-сонли «Ўзбекистон Республикаси халқ ҳўжалигида векселларни қўлаш тўғрисида»ги қарорини бажариш бўйича Марказий банк ва тижорат банклариининг мутахассислари барча вилоятларда банк, корхона ва ташкилотлар ходимлари учун семинарлар ўтказмоқдалар.

Ўзбекистон Енгил саноат давлат уюшмаси бошқаруви ва жамоаси, бошқарув раиси У. К. Исмоилова укаси

**Исроил ИСМОИЛОВ**нинг бевақт вафот этганини муносабати билан чуқур таъзия изҳор этадилар.

Очик турдаги «Юлдуз» ҳиссадорлик жамияти жамоатчилиги Ўзбекистон Енгил саноат давлат уюшмаси раиси Уктам Исмоилова укаси

**Исроил ИСМОИЛОВ**нинг бевақт вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ҳамза номидаги Санъатшу-н-элик институти раҳбарияти ва жамоаси институтининг бўлими мудири, тарих фанлари номзоиди А. Турнуова отаси

**Азиз ТУРНОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

## ТАШКИЛОТ ҚУЙДАГИЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАДИ:

папка-регистрларни ва нусха олиш, ёзиш машиналарининг ҳамма турлари учун юқори сифатли қоғозни (1 варағи 80гр., пачкада 500 варақ, Copy-Paper Din A4, Германия махсулоти).

Тўловингизни нақд пул ёки бухгалтерия орқали пул кўчириш усулида бажаришингиз мумкин.

Бизнинг манзилимиз: Тошкент шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 16а-уй, 204-хона  
Тел.: 39-45-57

**UZBEKISTAN airways**

ТЕЗ, ҚУЛАЙ, МАҚБУЛ

"Ўзбекистон ҳаво йўллари" авиакомпанияси

Афинага

янги мунтазам рейслардан фойдаланишни таклиф этади.

Ҳар жиҳатдан қулай ИЛ-62 самолёти ҳар ҳафтанинг якшанба кунлари учади

Рейс 215	Тошкентдан учаш вақти	-09.55
	Афинага қўниш вақти	-15.55
Рейс 216	Афинадан учаш вақти	-12.10 (душанба кунлари)
	Тошкентга қўниш вақти	-19.35

(учаш ва қўниш — маҳаллий вақт билан)

Нархи АҚШ долларларида: чет эл фуқаролари учун	ЎзР. МДХ фуқаролари учун	
1 класс	1200	720
Бизнес-класс	900	540
Тежамли класс	700	420

Чипталарни қуйдаги манзилдаги авиачипталарни сотиш ва банд (брон) қилиш мажмуидан: Тошкент, Ш.Руставели кўчаси, 9, тел.: 56-38-37, 066, унинг филиалларидан, "Ўзбекистон ҳаво йўллари" авиакомпанияси рейсларига чипта сотиш ташкил этилган Ўзбекистон ва МДХ мамлакатлари вилоятлари марказларидан сотиб олишингиз мумкин.

**Сизга кўнгилли парвоз тилаймиз!**

АВИАРЕКЛАМ

# Бир пиёла чой устида



Нуротада шоир ёки кўшиқчиси бўлмаган қишлоқ жуда кам.

**Жўракул бобо** етмишинчи йилларда Қизилчаши энг довуқли ашулачиси бўлган. Уша пайтларда Қизилчада тўйлар Жўракул бобосиз ўтмаган. Кейин-кейин микрофону турли электр асбоблар бу тоғ қишлоғиниям «шиғола» қилди... Балки шу сабабдир, ҳозир Жўракул бобо тўйларда кўнам ашула айтавермайди.

— Жўракул бобо, сиз кўшиқни нега дўмбирасиз айтасиз? Ё дўмбира халақит берадими?

— Чолишди билмаймиз-да...

— Айтишларича, Маъмуржон Узоқовнинг ашулаларини яхши кўраркансиз.

— Ҳа... энди ука, Маъмуржонга келадиган кўшиқни жуда оз, мен унинг кўшиқларини эшитсам, жилагим келарди...

— Нега?

— Жилагинг кегандан кейин жилайсан-да, уни сабаби бўламакан...

— Ахир одам ўз-ўзидан йиғлай олмайдимики...

— Туври.

— Унда?..

— Ким билади дийсан.

— Ўзи, умуман, нега кўшиқ айтасиз?

— Қизиқ бўлдику, саволинг. Нега бўлайди... айтасиз-да энди...

— Ашулага иштиқингиз борлигини қачон пайқагансиз?

— Эсимда жўқ. Кички-

на вақтимдаям бирдан кўшиқ айтгим келиб қоларди. Шунда товғама, сойғама бориб, бақириб-бақириб кўшиқ айтиб келардим.

— Нега тоққами, сойғама борардингиз?

— Ҳазирам кўнгли жетарлар сўраса, айтман.

— Ўзингизнинг кўшиқларингиз бор-а?

— Беш-ўнта.

— Сўзлариниям ўзингиз ёзасизми?

— Ўзингизки бўғандан

— Муза ... Муза, нима десам экан... илҳом парис!

— Бир пайтлар радиодан кўшиқларингизни беришувди-я?

— Ҳа, Мамааражап минам худди сента ўхшап гаплашиб ўтирганимизда баччоғорди ули, радиюга жозиб оған экан.

— Ўзингизам эшитдингизми?

— Жўқ. Одамлар айтди. Ундан кейинкам бир бола тилбизарга жозамиз деп келди...

— Ўзи олишдимиз?

— Кампир кўнмади.

«Полончини чоли қариганда тилбизарга чигип кўшиқ айтиб журипти, деб одамлар гапирди», — деди. Қобок-тумшугини уйиб олди.

Кейин менам ке, чиқмасак кичкампиш-да, дедим.

— Демак, момо бекор қилган экан-да?

— Э, хотинларди биласан-ку!

— Армонингиз борми?

— Одам бўғанингдан кейин ҳаммаси бўлади, армон ҳам.

— Газетага ёзаётганимни момо билса, нима бўлади?

— Хотинга гап берадиган одам емасмиз.

— Унда нега телевизорга чиқмадингиз?

— Енди баъзида унияям раўйига қараш керак-да...

— Бобо, бўлмаса, мен тураман.

— Майли, ука, журтимиз тинч бўсин. Дастирхонимиз тўкин бўсин. Жаратган яхши кунидан айирмасин. Омин!

**Жўракул БАХШИ:**

• Юзма-юз

## «МЕНИНГ МУЗАМ — КАМПИРИМ»

— Э, ҳамманинг олди-да бақириб кўшиқ айтанмайсан-ку!

— Ҳозир айтасиз-ку.

— Ҳа, энди унда...

— Илгарилар тўйлардаям айтардингиз...

— Кўймаса, айтмайдики,

кейин ўзинг жозган бўласан-да!

Ҳозирам шешъ тўкип тураман.

— Қандай пайтда ёзасиз. Умуман, сизда муза...

— «Муза»? У нима деганинг?

журагинг тўлиб кетади. Шундан кейин...

— Ёзасиз...

— Жўге, мен жозмайман, туври айтиб кетабераман.

— Кейин эсингиздан чиқиб қолмайди?



### ГУЛХАН АТРОФИДАГИ АПВАСТИПАР

**КЕЙИНГИ** йилларда сайёрамизда сеҳрлар шу даражада кўпайиб кетдики, социологларнинг айтишларича, у дунёнинг энг катта шов-шувига айланди.

... ИИГРМА чоғи аёл бир-бирининг қўлини ушлаб, кенг «халқ» ҳосил қилган. Уртада катта гулхан лувуллади. Чилдир-чилдир буғи овози бир маромада гўмбурлади. Осмондаги пага-пага қора булутлар орасидан ўқтин-ўқтин Ой мўралайди. Аёлларнинг қўлқори қоматта келтирувчи қўчқирқилари қора тун бағрини поралайди. Улар Ойга хитоб айлаб, тақдирларидан қаромат сўзлашни илтижо қиладилар. Гулхан аста сўниб, чилдирма овози пасайиб боради. Аёллар қиқирли шивир-шивир билан алмашди: Жонли талқа торайди. Ваҳимали турги маросим иштирокчилари бўлими аёллар қўлидан уларнинг дил тилаклари битилган оппоқ қоғозлар гулхан томон уча бошлайди...

Ойни ўзларига тангри қилиб олган сеҳрлар аёлларнинг бу маросим уйинлар Австриянинг Вайхофен шаҳри яқинида бўлиб ўтди. «Гулхан атрофида рақс» маросимининг иштирокчиси бўлган веналик журналист аёлни гўвоҳлик беришича, бу масъаб гуруҳи Австрияда расмий рўйхатга олинган юзлаб гуруҳларнинг бири, холос. Ҳозир Германияда 300 га яқин шундай гуруҳ фаолият юритмоқда. Буюк Британияда эса сеҳрлар, фолбин, афеунгарлар миндан ошиб кетди, АҚШда эса 10 миндан зиёд.

Ийгирманчи аср охирига келиб одамларга нима бўлди ўзи? Нима учун ажойиботу гаройиботларга тобора кўпчилик ишона бошлади?

Рўхшуносларнинг АҚШда бўлиб ўтган конгресс хулосалари бу саволларга бирмунча ойдинлик киритди. Ҳар ҳолда уша анжуманда «Миллионлар одамларда эртани кунга ишонч йўқолиб бормоқда, шу боис улар қандайдир нотабий, сирли воқеа-ҳодисаларга умид билан қарамоқдалар» деган фикр баён этилди. Одамлар руҳиятида бундай ўзгаришлар фолбин афеунгарларнинг боллаб кетишига замин яратётган бўлса ажаб эмас. Рўхшуносларнинг бу хулосасини социологлар ҳам тасдиқламоқдалар. Чунки, Буюк Британияда маърифатлашган мамлакатда аҳолининг қарийб ярми руҳшунос фургурололардан кўра фолбин ва астрологларга кўпроқ ишонар экан.

Инглиз психотерапевти Эдуард Басиннинг фикри янада эътиборли. У жолугарларни «ўз ҳолига қўлиш» тарафдори. Сабаби — улар жамиятга ҳеч қандай зарар етказмас эканлар, акинчи, кўпбал оғузманларнинг қўлини хотиржам қилар эканлар. Дарвоқе, унинг фикрича, аср охирига бориб, сеҳрларлик ҳаракати суясаркан, чунки бу вақтга келиб, ҳаёт анча оёсайишта бўлиб қоларкан. Бу нима, навбатдаги башоратми? Буни вақт кўрсатади, албатта.

### ҚИЗИҚЧИПАР ҚУШВУРМОНДА КҮП ОЛИШДИ

Бағдод ўзининг кураги ерға тегмас полволлари билангина эмас, машҳур сўз усталари, қизикчилари, ичак узди асқинчилари билан ҳам машҳур. Яқинда Фарғона вилояти асқинчи ва қизикчиларининг кўнаниви кўрик танлови Бағдоднинг Қуштегирмон қишлоғида ўтказилди. Машҳур қизикчи, Бағдод асқинчиларининг устози Теша қизикнинг 95 йиллиги айнан шу кунларга тўғри келди.

Қишлоқ маданият уйига тўпланган юзлаб кулги шинавандалари, асқинчи хилосманлари кўрик иштирокчиларининг ҳар бир чиқибларини олқишлар билан алқаб турдилар, ҳайъат аъзолари танлов қатнашчиларининг маҳоратига, ижро услубига, топқирлигига баҳо беришда томошабинларнинг муносабатларига ҳам алоҳида эътибор беришди.

Узаро басма-бас беллашувда фақат голибларгина эмас, юзлаб муҳлисдилар, кулги ишқибозлари, асқинчи хилосманлари ҳам қалаба қилди, десак муболаға бўлмайди. Ҳар қалай совриндорлар аниқланди. Беллашувда учқўприклик Содак қизик Ҳасановик Содак тенг келадиган бўлмади. Қўқонликлар бу гал ҳам асқинчилар баҳсида улоқни олиб кеттиди.

Йўлдошхон Носиров бошқу гуруҳининг янги мавзудаги асқинчилар кўпчилигига маълум бўлди. Ҳотамжон Тешабоев асқинчилик қилган марғилонлик қизикчилар эса машҳур Юсуфжон қизикнинг ҳамюрти эканлигини яна бир бор намойиш эттиди.

Шунингдек, танловнинг энг кекса ва энг кенжа иштирокчиларига ҳам совға-саломлар тақдим этилди. Фахрий ёриқлар топширилди. Голблар республика қизикчилар кўрик-танловига йўлланма олишди.

**Н. СОВИРОВ,**  
«Халқ сўзи» мухбири.

Ўзбекистон — улуг алломалар, донишмандлар ўлкаси. Самарқанд вилоятининг Окдарқе туманидаги Даҳбел қўрғонда Маҳдуми Аъзамнинг ҳаёти ва фаолиятига бағишланган республика илмий-амалий анжумани бўлди. Унда олимлар, ижодкорлар, жамоатчилик вакиллари иштирок этди. Анжуман қатнашчилари Маҳдуми Аъзам қабрини зиёрат қилдилар.

Сурхондарё вилояти меҳнат жамоалари, ўқув юрталарида халқаро атроф-муҳитни муҳофаза қилиш кўни ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 50 йиллигига бағишланган экологик шанбалик ўтказилди. Саломатлик ун кўнлигининг яқунлови кунда шанбаликда 300 мингдан кўпроқ киши қатнашди. «ЭКО-САН» вилоят жағмармаси ҳисобига 825 минг сум пул тўшадиган бўлди. Бу тадбир, айниқса, Термиз шаҳри, Ленин, Жарқўрғон, Қумқўрғон туманларидан кўнаники рўҳда ўтди.

### ШАНБАДАН ЖУМАГАЧА

Тошкент марказидаги «Меҳржон» болалар малағия ва истироҳат боғи шанба ва якшанба кўнлари гавжум бўлмоқда. Боғ миямуринги ўқувчиларнинг ёғи таътилли кўнгулли ўтиши учун қўнқарли тадбирлар уюштирди. Ёз давомида болалар хаваскорлик дасталари, жулудан, Ўзбекистон давлат телерадиокомпаниясининг «Булбулча», республика ўқувчилар саройининг «Чаман» ашула ва рақс ансамблилари, ширк ва масъабозлар гуруҳлари, республика кўнриқ театри санъаткорлари, шунингдек, боғда ташкил этилган «Хонанда» дастаси дам олувчиларга сийқилдан хизмат қилмоқда.

Гулистон шаҳридаги сўлим «Гулистон» малағия ва истироҳат боғида илк бор гул ва қушлар байрами ўтказилди. Унда ўқув юрталари, болалар боғчалари, ўнлаб ташкилот ва муассасаларнинг жамоалари, гул ва гўзаллик шайдолари қатнашди.

Байрамда ўтказилган кўрик-танловда Алишер Навоий номидаги вилоят кутубхонаси жамоаси голиб чиқди.

Осмонўпар тўғлар бағрида жойлашган сўлим Шохимардон қишлоғининг «Кўк сув» соҳилида яна бир дам олиш маскани очилди. «Сугуртича» деб аталган оромгоҳда молия, солиқ, сугурта ва банк тизими ходимлари дам олади. Бу ерда тиббий муолажа хоналари, савдо тармоқлари ва бошқа қулайликлар мўҳайё. «Марғилон» чойхонаси миждозлар хизматида.

## ҲАДИСЛАР

Аччиқ сабир (алоӣ) асални бузгани каби, ҳасад имонни бузайди.

Бир-бирларингизга эҳсон қилинганлар, чунки эҳсон муҳаббатни оширайди ва дилдаги гашиқларни йўқотади.

Омонатни сақлаб, вақтида қайтариш кишининг ризқини зиёда қилади.

### Дейл Карнеги:

## ХАЙРИ ИШ УЧУН ЁЛҒОН ГАПИРИШ ҲАМ САВОБ

**«ЎЗИНГИЗНИ** фозил инсон қилаб кўрсатиш, гарчи бундай хислатга эга бўлмасангиз ҳам», деган эди Буюк Шекспир.

ЯКИН дўстларимдан бири — миссис Эрнест Жент уйига чўри ёллаб, душанба кунидан ишта келаверинг, деди-да, ўзи уша аёл илгари хизматкор бўлган хондонга сим қоқди. Бирок хондон соҳиби чўри аёл ҳақида ёмон фикр билдирди. Жент эса янги чўри ишта келганда уни хуш кайфият билан кутиб олди, деди: «Недди, кечатинда аввалги хўжайинингизга телефон қилдим, у сизни ҳалол, ишончли одам эканлигингизни, моҳир пазанда ва болаларга яхши қарашингизни айтди. Кейин сизни исқирт, уйни озода тутмайди, деб кўшиб қўйди. Лекин мен унинг гапига ишонмадим. Мана, сиз дид билан кийингансиз, ишонманки, унингиз ҳам худди шундай саранжом-сарништа. Биз сиз билан, албатта, чиқишим кетамиз».

Амалда ҳам шундай бўлди. Хизматкор аёл уй бекаснинг «ёмонини яшириб, яхчисини ошириб» айтган мақтовларини оқлаш, шунга муносиб бўлиш учун астойдил хизмат қила бошлади. Қарабсизки, уй, миссис Жент орзу қилганидек, ҳар доим саранжом-сарништа эди.

... Ёзувчи Жоржет Лебланнинг уйига туташ ўртамеёна меҳмонхонада Мари исмли хизматкор ишларди. У жуда хунук бўлгани устига, кўзи йилай, оёқлари қийшиқ, оқ арвоқдек озгин ва доим хорғин кўринарди. Шундай бўлса-да, бир кунги ёзувчи унга: «Мари, қалбингизда қандай бебаҳо жавоҳир яширин эканлигини ўзингиз ҳам билмасангиз керак» дея кўнглини кўтарди. Кутилмаган бу мақтовнинг рост-ёлгонлигини билмай, ҳанг-манг бўлиб қолган бечора аёл бироздан кейин ўзини қўлга олиб, енгил «ўх» торгади, деди: «Хоним, агар бу гапни сиздан бошқа одам айтганда, ҳеч қачон ишонмаган бўлардим».

Уша кундан бошлаб камсуқум Мари одамлар кўз ўнгига ўзгара бошлади. У юз кўриниши қади-қоматига шундай ҳафсала билан оро бера бошладики, унинг бевақт сўнган ёшлиғи қайта чечаклаб, қиёфасидаги эски нуқуллари кўзга ташланмай қолди.

Оралдан икки ойча вақт ўтгач, Мари ёзувчининг хонасига очилиб-сочилиб кириб келди. Бош ошазнинг жиянига турмушга чиқатганини айтиб, «Энди мента ҳам «хоним» дея мурожат қиладиган бўлишди», деди хурсандлигини яширолмаб ва Жоржетга чукур миннатдорчилик изҳор этди. Чунки, ёзувчининг бир оғиз сўзи (гарчи у ёлғон бўлса-да) бор-йўғи идиш ювувчи бўлиб ишлайдиган аёлни юриш-туриши, хулқ-атвори ва ҳатто ташқи қиёфаси (қади-қоматини) ҳам бутунлай ўзгартириб юборган эди. «Агар қаллоб билан иш кўришга тўғри келиб қолса,— деган эди машҳур Синг-Синг қамоқхонасининг бошлиғи Лоуэс,— уни «одам» қилишнинг йўли битта: энг хурматли ва пок одамга қилгандек муомалада бўлинг. Бундан боши осмонга етиб, ушга ишонувчилар борлигини ҳис қилиб, тузалмиш йўлга киралди».

Ҳа, яхшилик йўлида баъзан ёлғон гапирши ҳам хайрлидир.

### МАРҲАМАТ, ЯНА САВОЛ БОРМИ?

## НАҲОТ БУКРИ БАЛИҚ БҮЛСА?

Балиқлар орасида букрисиз ҳам бўларкан-а? Шу ҳақда маълумот берсангизлар.

**Лайло ТУРАЕВА,**  
Тошкент шаҳри.

Букри балиқ, горбуша — сельдосимонлар туркумининг лосослар оиласига мансуб. У, асосан, Узоқ Шарқ денгизлари ва қисман Шимолий Муз океанида тарқалган. Танасининг узунлиги 55 сантиметргача, оғирлиги 1,7 килограммгача бўлади. Умида фақат бир марта увилдириқ (икра) ташлайди. Урчиш пайтида бу балиқлар денгиздан дарёларга, хусусан, Япон денгизига қўйиладиган дарёларга ва кўпроқ Амурга катта гала бўлиб ўтиб, дарёнинг юқори оқимига боради ва сув тағига ҳар бири 2000 тагача тухум ташлаб, ўзи нобуд бўлади. Дарёга қараб кетаётганда улар, одатда, овқатланмайди ва дарёда учрайдиган тўсиқлардан ўтиб, юқорига интилади. Бу вақтда эркак букри балиқларнинг жағлари қайрилиб, катта тишлар ўсиб чиқди ва елкаси букри бўлиб қолади. Букри балиқ деган ном ҳам шундан келиб чиққан. Букри балиқлар Узоқ Шарқнинг энг қимматбаҳо балиқларидандир.

**«Булбул»нинг уч услуби**

Булбул нақши ҳақида билишни истардим.

**Дилнавоз БАХРОМОВА,**  
Самарқанд вилояти.

Булбул — ўзбек халқ амалий санъатининг кўпгина соҳаларида қўлланалган нақш. У уч услуда яратилди: 1. Уйма услу. Бунда мискарлар ўзлари ясаётган бадий буюмлар (мис лаган, мис кўза ва бошқалар) сиртига булбул шаклини зарб қиладилар. 2. Кўйма услу. Бунда дегрез ва рихтагарлар биринж ёки мисдан булбул шаклини тағанақда қўйиб, чойдиш, офтоба дасталарига, манакалдон оёқчаларига ўрнатадилар. 3. Ясама услу. Бунда заргарлар кумуш ёки тилла пластинкалардан булбул нақшини қирқиб олиб, аёлларнинг бадий безаклари (биллакузук, тиллақош, бозвант ва бошқалар)га қовшарлаб ўрнатадилар.

Сотувчининг кўпол муомаласидан жадди чиққан хадидор деди:

— Айтган гапларингизни қайтариб олиб, кечирим сўранг.

— Бу ерда ҳеч нарса қайтариб олинмайди, жуда бўлма...

Рашик зўр хотин ҳар кунини эрининг камзулини синчилаб текшириб кўрар ва ҳар бир тола соч учун жанжал кўтарарди. Бир кун у биронга ҳам тала тополмади ва эрига хитоб қилди:

— Уят эмасми, Конрад, энди кунинг кал хотинларга қолдимми?!

### ОБ-ҲАВО

Республика гидрометеорология маркази хабар қилади:

17 июндан 23 июнгача республикада қуруқ ва иссиқ ҳаво оқими кучаяди. Кучсиз шамол эсади. Ҳаво ҳарорати асосан кечаси 15-20, кундузи 32-37 даражача иссиқ бўлади.

Қашқадарё, Сурхондарё ва республиканинг жанубий чўл ҳудудларида кечаси 18-23, кундузи 36-41 даража иссиқ бўлиши кузатилади.



## ХАЛҚ СЎЗИ

### НАРОДНОЕ СЛОВО

**МУАССИСЛАР:**  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирилари Маҳкамаси

Бош муҳаррир:  
**Анвар ЖўРАБОВЕВ.**

• **БҮЛДҮМЛАР:**  
Парламент 33-57-34;  
Халқаро 33-07-48;  
Қишлоқ хўжалиги 36-07-94;  
Иқтисодиёт 36-36-65;  
Маънавият 36-35-60;  
Ахборот 36-29-89;  
Тунги муҳарририят 33-10-28.

• **МАНЗИЛИМИЗ:**  
700000, ГСП  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 19-уй.

Навбатчи муҳаррир — И. Худобер.  
Навбатчи — Ш. Мутаҳаррон ўғли.